

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Президентига табрик йўллади



Туркменистон Президенти

Сердар Бердимухамедов

Жаноби Олийларига

Ҳурматли Сердар Гурбангулиевич!

Ўзбек ва туркман халқлари тарихидаги муҳим ва қутлуғ сана – давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилаklarимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Туркменистон биз учун кўп асрлик яқин дўст ва аҳил қўшни, умумий маданий анъаналар, ўхшаш тил ва урф-одатларга эга бўлган ҳамда давр синовларидан ўтган ишончли шерикдир.

Икки давлатнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўлларига назар ташлар эканмиз шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 30 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам сиёсий-дипломатик ва ҳуқуқий пойдеворини яратишга муваффақ бўлдик.

Муштарак сиёсий иродамиз орқали ўзаро ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган стратегик шериклик муносабатлари сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, амалий мазмун билан бойиб бормоқда. Олий даражадаги сиёсий мулоқотлар, парламентлараро ва ҳудудлараро алоқалар янада фаоллашмоқда.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳамда сув ҳўжалиги масалалари бўйича Ҳукуматлараро комиссиялар доирасида икки томонлама фаолиятнинг барча жабҳалари бўйича қатъий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдамиз.

Сиз билан 2022 йилда Тошкент, Самарқанд ва Ашхобод шаҳарларида бўлиб ўтган дўстона ва сермахсул учрашувларимиз чоғида кўп қиррали ҳамда узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканимизни яна бир бор тасдиқладик.

Шу ўринда халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини, ўзаро савдо айланмасини кескин ошириш ва маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ҳамда саноат кооперациясини янада кучайтиришга тайёр эканимизни қайд этишни истардим.

Ҳурматли Сердар Гурбангулиевич!

Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасида қарор топган ва бошқаларга ҳам ўрнатилган бўла оладиган стратегик шериклик муносабатлари бундан буён ҳам азалдан яқин қардош элларимизнинг умумий манфаатлари ва рағбатли йўлида муваффақиятли ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва ғоят масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар, қардош Туркменистон халқига эса тинчлик-осойишталик, доимий тараққиёт ва янада фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Манба